2024 YIL - YOSHLAR VA BIZNESNI QO‘LLAB-QUVVATLASH YILI

# Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2024-yil 9-may, payshanba | № 19 (9287) | e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi

## ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ ХОТИРАСИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА МАНГУ ЯШАЙДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 май – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабанинг 79 йиллигига бағишланган маросимда иштирок этди.**

Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойил барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош ғоясини ташкил этади.

Бу жиҳатлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ватан ва халқ озодлиги йўлида мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб, жанг майдонларида жонини фидо қилган ота-боболаримиз, мустақиллик йилларида халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилиш ҳамда ўз хизмат бурчини адо этиш йўлида ҳалок бўлган жасур ҳарбийларимиз хотирасини абадийлаштириш, уруш йилларида катта қийинчиликларни сабр-бардош билан енгиб ўтган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган фахрийларимизга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш борасидаги ишларда ҳам намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент шаҳрида халқимиз жасоратининг ёрқин рамзи сифатида бунёд қилинган муҳташам Ғалаба боғи ёдгорлик мажмуаси қисқа вақт ичида қутлуғ зиёратгоҳга айланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ғалаба боғига ташриф буюриб, “Матонат мадҳияси” ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Ушбу мажмуадаги ҳар бир экспозиция, тимсол ва битиклар мудҳиш уруш ҳақиқатларини ифода этади. “Матонат мадҳияси” ёдгорлиги урушда ўз боласидан, ёридан жудо бўлган барча аёллар шарафига ўрнатилган муаззам обидадир. Боғ бўйлаб таралаётган мунгли куй халқимизнинг йўқотишлари, ҳалок бўлган инсонлар тақдирини ёдга солади.

– Бу санани биз ҳам хурсандчилик, ҳам изтироб билан нишонлаймиз. Урушнинг халқимиз бошига солган оғир кулфатлари, орадан шунча йиллар ўтса-да, унутилмайди. Ўша пайтда республикамиз аҳолиси 6,5 миллион киши бўлган бўлса, шундан 1 миллион 950 мингдан ортиғи урушда қатнашган. Уларнинг 538 мингдан зиёди қонли жангларда ҳалок бўлгани, 158 мингдан кўпроғи бедарак кетгани биз учун ҳеч қачон ўрнини тўлдириб бўлмайдиган оғир йўқотишдир. Сўнгги йилларда мана шундай хотира мажмуалари ва музейлар ташкил қилиб, ушбу ҳақиқатни муҳрлаб қўйдик. Бу ишларимиз халқимиз, айниқса, ёшларимиз тарбиясида улкан аҳамиятга эга, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда Ғалаба боғи юртдошларимиз, ёшлар учун ўзига хос ватанпарварлик, тинчликсеварлик мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ерда “уч авлод учрашувлари”, хотира тадбирлари, тарих дарслари ўтказилмоқда. Шу кунгача мажмуага 2 миллион 200 минг нафардан зиёд киши ташриф буюриб, Иккинчи жаҳон урушида кўпмиллатли Ўзбекистон халқи кўрсатган жасорат ва матонат тафсилотлари билан яқиндан танишган.

Мажмуа жамоаси томонидан 50 га яқин китоб-альбом ва монографиялар яратилгани, илгари номаълум бўлган юзлаб тарихий далиллар илмий муомалага киритилгани, 2 миллион нафарга яқин уруш қатнашчилари рўйхати шакллантирилгани, аҳоли мурожаатлари бўйича бедарак кетган жангчилар тақдирига оид маълумотлар тўпланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда хотира маросимлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг хотирасини улуғлашга қаратилган катта ишлар мунтазам амалга оширилмоқда.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар, муҳтарам фахрийлар!

Бугунги шонли байрам – 9 май – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан мўътабар фахрийларимизни, кўп миллатли бутун халқимизни самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Ушбу қутлуғ кунда инсоният тарихидаги энг даҳшатли урушда жасорат кўрсатиб, башариятни фашизм балосидан сақлаб қолган қаҳрамон ота-боболаримиз ҳамда фронт ортида мардона меҳнат қилиб, ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшган мард ва олижаноб юртдошларимиз хотирасига юксак ҳурмат-эҳтиром бажо келтирамиз.

Жанг майдонларидан омон қайтиб, мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорона хизмат қилган, бугунги кунда эзгу дуолари билан ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлиб келаётган қадрли уруш ва меҳнат фахрийларига чексиз ташаккуримизни изҳор этамиз.

Айни вақтда мустақиллик йилларида Ватанимиз озодлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилиш ҳамда ўз хизмат бурчини адо этиш йўлида ҳалок бўлган жасур ҳарбийларимиз хотирасини миннатдорлик билан эсга оламиз.

Қадрли дўстлар!

Бугун барча шаҳар ва қишлоқларимизда ўтказилаётган тадбирларда бу мудҳиш уруш эл-юртимиз учун қандай мислсиз талафот ва мусибатлар олиб келганини яна бир бор ёдга олишимиз табиийдир. Ўша оғир йилларда фронтга сафарбар этилган **1 миллион 950 мингдан** зиёд ўзбекистонлик жангчилардан **538 мингдан** кўпроғи ҳалок бўлгани, **158 мингдан** ортиғи бедарак йўқолгани, **870 мингдан** ошиғи турли жароҳатлар олгани, **60 минг** нафардан зиёди эса ногирон бўлиб қайтгани бу ғалаба биз учун нақадар қимматга тушганини яққол кўрсатиб турибди. Ана шу қирғинбарот уруш халқимиз қалбида қолдирган битмас жароҳатни, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳамон унутиб бўлмайди.

Уруш даврида **214 минг** аскар ва офицерларимиз жанговар орден ва медаллар билан тақдирлангани, уларнинг **301 нафари** Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига, **70 нафари** учала даражадаги “Слава” (“Шуҳрат”) орденига сазовор бўлгани биз учун, ҳеч шубҳасиз, буюк ғалабанинг энг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Метин иродали халқимиз ўша таҳликали йилларда фронт ортида сабот ва матонат билан меҳнат қилди. Саноат корхоналарининг фаолияти фронт эҳтиёжлари учун йўналтирилди. Уруш алангаси ичида қолган ҳудудлардан мамлакатимизга **170 дан** ортиқ завод ва фабрика кўчириб келтирилди ва қисқа муддатда уларнинг фаолияти қайта тикланди. Эл-юртимиз фронт учун жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб берди.

Ўзбекистон аҳолиси 1941-1943 йилларда мудофаа фондига **475 миллион** рублдан ортиқ маблағни, **22 миллион** рубллик қимматбаҳо шахсий буюмларини ихтиёрий равишда топширгани ғалабани яқинлаштиришга яна бир муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Халқимиз юксак одамийлик фазилатини намоён этиб, уруш ҳудудларидан эвакуация қилинган **1 миллион 500 мингга** яқин инсонга бошпана берди. Ота-онасидан жудо бўлган **250 минг** нафар етим болаларга меҳр-оқибат кўрсатиб, сўнгги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

Азиз ватандошлар!

Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида халқимиз жасоратининг тимсоли сифатида бунёд қилинган муҳташам “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси қисқа вақт ичида қутлуғ қадамжога айланди.

Шу кунгача бу ерга **2 миллион 200 минг** нафардан зиёд зиёратчи ташриф буюриб, уни катта қизиқиш ва эътибор билан томоша қилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Мажмуа жамоаси томонидан **элликка яқин** китоб-альбом ва монографиялар, ноёб ҳужжатлар тўпламлари яратилиб, ҳозирга қадар номаълум бўлган юзлаб тарихий фактлар аниқланиб, жамоатчиликка етказилди.

“Бобомни излайман” лойиҳаси доирасида урушда иштирок этган **2 миллион нафарга** яқин ватандошларимиз рўйхати шакллантирилди. Юртдошларимиздан келиб тушган **300 дан** зиёд мурожаатлар бўйича урушда бедарак кетган **200 нафар** жангчининг тақдирига оид муҳим маълумотлар тўпланди.

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги байрам муносабати билан жонажон Ўзбекистонимизда хотира маросимлари, турли маданий-маърифий тадбирлар, “уч авлод учрашувлари” ўтказилмоқда. Тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар раҳбарлари иштирокида уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг оила аъзоларига табрик ва совғалар топширишга бағишланган маросимлар тантанали вазиятда ўтказилмоқда.

Муҳтарам уруш фахрийлари халқимизнинг доимий эътибори ва эъзозида бўлиб келмоқдалар. Жумладан, ёлғиз яшаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, истиқлолимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг уй-жойлари таъмирланиб, обод қилинмоқда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига патронаж хизмати ва зарур тиббий муолажалар кўрсатилмоқда. Улар ўз хоҳишларига кўра санаторийларда даволанмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, биз бугунги озод ва эркин ҳаёт учун азиз жонини аямасдан курашган бундай улуғ инсонлар олдида доимо қарздормиз, улар учун бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз.

Ҳозирги ғоят мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва аҳилликни асрашдек ўта муҳим вазифаларни бажаришда қаҳрамон фахрийларимизнинг жасорати, шонли анъаналари биз учун ҳамиша ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Биз улардан руҳ ва куч олиб, Ватан ҳимоячилари, тинчлик посбонлари, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлишдек юксак бурчимизни албатта шараф билан адо этамиз.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Сиз, азизларни бугунги улуғ айём билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, халқимиз доимо омон бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*9 май – Хотира ва қадрлаш куни*

## УРУШДАН ХОТИРА БОБОМ



*Болалигимизда Иккинчи жаҳон уруши хотирланган тадбирларда урушнинг ўнлаб иштирокчилари қатор тизилиб ўтирарди. Биргина қишлоғимизда уларнинг сони қанча эди? Ўшанда уруш қатнашчиларининг ёши 35 ва ундан юқори бўлган эркаклар эди. Мен бу сафда ўша пайтда навқирон бўлган бобом (отамнинг акасини биз томонларда бобо дейишади) Эрназар Ҳасановни кўриб мағрурланардим.*



Мен бундан 55 йилча ортга назар ташлаяпман. Шундай фахр туйғуси билан мен 70 ёшга қараб илдамлаяпман, бобом эса юз билан юзлашди. Хотира ва қадрлаш куни арафасида 2-жаҳон уруши иштирокчилари, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган фахрийлар ёдга олиниб, улар билан турли учрашувлар ташкил этилади, ўтганлар хотираси эсга олинади. Айтишларча, шу сана арафасида Икккинчи жаҳон уруши иштирокчиларидан мамлакатимиз бўйича атиги 72 кишигина ҳаёт экан. Шукрким, менинг бобом шулардан бири, ҳамон бу хотира тадбирларида иштирок этаяпдилар.

Манбаларда қайд этилишича, уруш арафасида Ўзбекистонда 6 миллион 551 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб, уларнинг 1950700 нафари шу урушга жалб этилган. Жангларда қатнашган 896402 нафар ўзбекистонликка она-Ватанига қайтиб келиш насиб этмаган. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиш учун 4308 нафар ғузорлик “повестка” олиб, жангга жўнади. Ана шу жангчиларнинг бор-йўғи 669 нафари омон-эсон ўз хонадонига қайтишган, холос. 2587 нафар тумандошимиз жангоҳларда ҳалок бўлишган бўлса, 1142 нафари бедарак кетди.

Бобом Эрназар Ҳасанов 1924 йилда Савбоғ қишлоғида туғилган. Ўн ёшдан ўтар ўтмас отаси оламдан ўтади. Шу боис, онаси Тошбуви момом ёнига кириб укаларини боқиш учун хўжаликда ишлай бошлайди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## ҒАЛЛА МАЙДОНЛАРИГА СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

**Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан “Ғалла майдонларига сув тежовчи технологияларни жорий этиш” мавзусида Нукус туманига медиа-тур ташкил этилди.**



ОАВ вакиллари Сув хўжалиги вазирлиги масъуллари ҳамроҳлигида Нукус туманидаги ғалла майдонларида жорий этилган ёмғирлатиб суғориш технологияларини бориб кўришди. Журналистлар Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказига қарашли Дон ва шоли илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг дала майдони ва “Нукус агро” МЧЖ ғалла майдонларида жорий қилинган ёмғирлатиб суғориш технологияси билан яқиндан танишдилар. ОАВ вакилларига Қорақалпоғистонда сув тежовчи технологияларни жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот бериш мақсадида дала шароитида матбуот анжумани ҳам ўтказилди. Тадбир давомида Дон ва шоли илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Дуйсенбай Утамбетов, “Нукус агро” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Рустем Жанабергеновлар журналистларга мазкур сув тежовчи технологияларнинг афзалликлари, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш билан бирга ҳосилдорликни оширишдаги муҳим жиҳатлар ҳақида батафсил маълумот берди. Шунингдек, сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди.

**(Давоми 3-саҳифада)**



# ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ – БОШ МАСАЛА

**Дунё бўйлаб глобал иқлим ўзгариши бошқа соҳалар қаторида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам бир қатор долзарб муаммоларни пайдо қилмоқда. Ана шундай долзарб, кечиктириб бўлмайдиган муаммолардан бири республикамизда суғориб, деҳқончилик қилинадиган тупроқларнинг унумдорлиги пасайиб бораётганлигидир.**

**Кейинги йилларда юртимизда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш учун қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**



Бугунги кунда дунё бўйича замонавий деҳқончиликнинг маҳсулдорлиги асосан минерал ўғитлар, пестицидлар, ўсишни созловчи моддалар, мелиорантлар ва бошқа кимёвий воситаларга боғлиқ бўлиб қолганлиги ҳеч кимга сир эмас. Манбаларга кўра, кейинги 50-60 йилда минерал ўғитларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги самарадорлиги 40-45 фоизни ташкил этмоқда. Агар бу ҳақиқатга яқин бўлса, унда академик Ю.Либихнинг “...тупроқ агроценозидаги маҳсулдорлик ва ҳосилнинг сифати тупроқнинг ўсимликлар организмида доимо учрайдиган ҳамда маълум бир биологик жараёнларни бажарадиган элементлар (биофил элементлар) миқдорига боғлиқ” деган назарияси шубҳа остида қолади.

Адабиётларга назар ташланса, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бутун дунё илм аҳли ер шарида тупроқ ресурсларининг ҳолати ҳамда экологик тизимнинг тобора ёмонлашиб бораётганлигидан ташвишга тушган ва 90-йиллардан бошлаб мазкур салбий ҳолатнинг олдини олиш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилган.

**(Давоми 2-саҳифада)**

*“Биргина дайди ўқ туфайли бу кунларга етмаслигим ҳам мумкин эди...”*

# ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ ХОТИРАСИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА МАНГУ ЯШАЙДИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 16 апрелда қабул қилинган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони ана шундай ҳурмат ва эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ, уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Ёлғиз яшаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, истиқлолимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг уй-жойлари таъмирланиб, обод қилинмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Қуролли Кучлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари ва нуронийлар ҳам иштирок этиб, “Матонат мадҳияси” ёдгорлиги пойига гуллар қўйишди.

Президентимиз ташаббуси билан Ғалаба боғи ҳудудида яна бир мажмуа – Мустақиллик фидойилари хиёбонини ташкил этиш режалаштирилган. Ташриф чоғида ушбу мажмуа лойиҳаси тақдимот қилинди.

– Инсон хотираси ва қадрини улуғлаш борасидаги ишларимизнинг узвий давоми сифатида Ғалаба боғи таркибида мана шу хиёбонни барпо этсак ва унга Мустақиллик фидойилари хиёбони, деб ном берсак, ўйлайманки, эл-юртимиз қалбидаги орзу-армон ва эзгу интилишларни рўёбга чиқарган бўламиз, – деди давлатимиз раҳбари. – Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган мард ва жасур ўғлонларимизнинг азиз хотирасига эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Ватанга фидойилик намунасини кўрсатган, юрт тинчлиги ва келажаги учун керак бўлганда жонини қурбон қилган бу баҳодир фарзандларимизнинг қаҳрамонлиги халқимиз, ёш авлодимиз учун доимо ўрнак ва намуна бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз ва чет эллик мутахассислар ҳамкорлигида ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган бетакрор лойиҳага кўра, Мустақиллик фидойилари хиёбонида она юртимизга уюштирилган террорчилик хуружларига қарши курашда, шунингдек, ўз ҳарбий бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган аскар ва офицерларнинг қутлуғ номлари, ўчмас хотираси абадийлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари мажмуа ғояси ва қурилиши бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Юз ёш билан юзлашиб, ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини кўрган инсонлар учун энг муҳими соғлиқ. Шунинг учун уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилмоқда. Айни кунларда ҳам бир гуруҳ уруш фахрийлари госпиталь ва санаторийларда даволанмоқда.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпиталига бориб, уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олди.

Ускан ота Хаджиманов Боёвут туманидан, Файзулла ота Нурматов Оққўрғон туманидан, Анарбой ота Жалилов Паркент туманидан, Муҳиддин ота Дусанбаев Ўрта Чирчиқ туманидан келиб даволанмоқда. Улар ҳаётидан рози экани, давлатимизнинг ва одамларнинг ҳурматидан хурсандлигини айтишди. Саломатликлари туман тиббиёт бирлашмасининг доимий назоратида, бепул дори-дармон ва ҳар йили санаторийларга йўлланмалар берилади.

Нуронийлар Президентимизга невара-évараларининг ўқиш ва ишлари, ютуқлари ҳақида сўзлаб беришди. Улар таълим, қурилиш, ички ишлар, қишлоқ хўжалиги каби турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, юртимиз равнақига ҳисса қўшмоқда. Ёшлар замонавий билим олиб, чет элларга ўқишга кетмоқда. Боболар уларни тинчликнинг қадрига етиш, ватанпарварлик, меҳнатсеварликка даъват этиб келади.

– Ҳамма ҳаракатларимиз халқимизни рози қилиш учун, – деди Шавкат Мирзиёев. – Ислоҳотлар натижаси энг қуйига, ҳар бир хонадонга кириб боришини истаймиз. Режаларимиз ҳам катта. Ҳамма жипслашса, биргаликда ҳаракат қилса, ўйлаган ниятларимизга тезроқ етишамиз. Сиздек нуронийларнинг дуолари бунда бизга мададкор бўлади. Сизларнинг ҳаётингиз ирода, жасорат мактаби, гапларингиз ёшларга ибрат.

Отахонлар меҳр-эътибор учун давлатимиз раҳбарига раҳматлар айтди. Дунёнинг тинчлиги, ёшларнинг порлоқ келажагини сўраб дуолар қилди.

Госпиталда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари муносиб парвариш қилинмоқда. Бу муассаса мукаммал таъмирланиб ва янги бинолар қурилиб, 2022 йил фойдаланишга топширилган эди. Госпиталь жами 700 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, соҳа фахрийлари бепул даволанади. Бунинг учун 286 хил диагностик текширув, 600 дан ортиқ амалиётлар йўлга қўйилган, 30 га яқин ихтисослашган бўлимлар ташкил этилган.

**ЎзА**

# УРУШДАН ХОТИРА БОБОМ

**(Боши 1-саҳифада)**

40-йилларга бориб Савбоғ, Қумчуп, Сарой, Ғармистон қишлоқларидаги майда жамоа хўжаликлари бирлаштирилиб, уларнинг ўрнида собиқ “Большевик” колхози ташкил этилади. Ўша пайтда хўжаликнинг қорамолчилик фермаси Пангтепа ёнидаги Шакарбулоқ яйловида жойлашган экан. Эрназар бобом онаси билан бирга хўжаликнинг қорамолчилик фермасида бузоқбоқар бўлиб ишлайди. Бобомнинг айтишича, ферма “Китоб - Қарши” темир йўлининг ёқасида жойлашган бўлиб, вагонларда ҳар куни 2-жаҳон урушига сафарбар этилган йигитлар олиб ўтиларкан. 1942 йилда қаровидаги бузоқларни Тошбуви момомга қолдириб, туман ҳарбий комиссариатига йўл олади. Албатта, ҳарбий комиссариатдагиларга бобомга ўхшаган кўнгиллилар сув билан ҳаводек зарур бўлган. Ўша куниёқ бобом эшелон орқали бошқа тенгқурлари қатори фронтга жўнатилади.

– Белоруссия ўрмонларидан бирига бориб, эшелондан тушдик, – дея гап бошлайди бобом. – У ерда бироз тайёргарлик кўрдик. Биз Маршал Рокоссовский қўмондонлик қилаётган фронтга тушган эканмиз. Олдинига билинмаса-да, кейинчалик анча оғир жангларни бошдан ўтказдик. Кўп хизматдошларим ҳалок бўлди. Орловск, Курск, яна бир қанча шаҳарлар ва қишлоқлардан немисларни қувиб чиқардик. Ана шундай жангларда олдинма-кейин уч марта яраландим. Учинчи ярам оғирроқ эди. Госпиталда даволаниб, яна жангга кирдим. Дивизиямиз қўмондони Иванов деган киши бир куни мени ҳузурига чақириб қолди. Ҳайрон бўлдим. Ҳаяжонланиб, унинг ҳузурига кирдим. Иванов мен билан нимагадир қуюқ сўрашди. У мендан Улаш Омонов, Хайрулла Файзиев ва ғузорлик тўрт-беш таниқли одамларни таниш-танимаслигимни сўради. Кейин билсам, у киши 1936 йилда Ғузордаги “Ғузор” қоракўлчилик хўжалигида зоотехник бўлиб ишлаган экан. Ўзбек меҳмондорчилигини ўз кўзи билан кўрган, нон-туз еган, юртдошларимизни яхши билганлиги учун мени ўзига қадрдонлардек яқин олди, меҳр кўрсатди. “Энди менга ёрдамчи бўласан”, деб қўлимга ўзининг автоматларини бериб, катта вазифа топширди. Бу қўмондоннинг ота-онаси Самарқандда шифокор бўлиб ишлаган, ўзи юртимиз меҳрини кўп кўрганлиги сабабли ҳам ўзбеклардай меҳр-оқибатли, одамохун инсон эди. “Тезроқ ғалаба қилсак, бирга Ўзбекистонга қайтамиз. Тўйлар қиламиз”, деганди у бир гал. Аммо ниятига етолмади. Уруш тугаши билан Иванов топшириқ билан Японияга қарши урушга жўнатилди. Шундан кейин уни кўрмадим, дейди бобом.

1947 йил май ойида бобом ҳарбийдан бўшатилиб, кўксида бир қатор орден ва медаллар билан ўз она қишлоғига қайтиб келади. Онасига ўғлини кўриш насиб этмайди. Момом 1946 йилда вафот этади. Бобом қишлоққа келганида укалари Худойназар ва Эшназарлар холаси Ўғил момонинг оиласида яшаётганди. Фронтдан қайтган жангчи йигит ўзи ва укаларини оёққа турғазиш учун хўжаликда ишлай бошлайди. Табелчи, ғаллачилик, пахтачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлади. 1954-1956 йилларда Самарқанддаги колхоз ва совхозлар учун мутахассислар тайёрлаш курсида ўқийди. Бу орада атрофдаги хўжаликлар бирлаштирилиб, Ленин номли йирик жамоа хўжалиги ташкил этилади. Бобом ана шу донгдор хўжаликда то нафақага чиққунига қадар, яъни 1988 йилгача бригада бошлиғи, бош агроном, участка агрономи, бош гидротехник, боғдорчилик агрономи, бўлим бошлиғи вазифаларида ишлаб элда обрў эътибор топди. Кўп йиллик фидокорона хизматлари орқасидан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвонига лойиқ топилди. “Меҳнат қизил байроқ” ордени ва кўплаб медаллар билан мукофотланди.

Бобом турмуш ўртоғи Менгнор момо Абдуллаева (охирати омон бўлсин) билан бахтли умргузаронлик қилиб, 3 ўғил, 3 қизни тарбиялаб, вояга етказди. Айни пайтда кўплаб невара ва чевараларнинг севимли бобоси.

Юқорида бобомни қишлоғимиз фахри деб атадим. Боиси, бобом кўпчиликка насиб этмаган бахтга муяссар бўлган. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Тошкент шаҳрида ташкил этилган байрам тадбирларида иштирок этиб, бир неча бор Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан қўл бериб кўришиб, у киши билан суҳбатлашган. Бобомнинг ажойиб одатлари бор. Ўзи яхши кўрган одамни суйиб “ҳеч кимнинг суқи тегмасин, менинг ёшимдан ўзиб кетинг” дея икки қулоғини тортиб қўядилар. Бобомнинг айтишича, Юртбошимиз билан учрашганларида ҳам шу одатини қилиб, ўз ниятларини билдирибди. Бир галги учрашувларида бобом Президентимизга “Мени танияпсизми?”, дея савол берганларида Ш. Мирзиёев “Танияпман. Сиз ғузорлик Эрназар бобо Ҳасановсиз. Ғузорда қанчалик ўзгаришлар, ободончилик қилаяпмиз”, дея фикр билдирганди.

Албатта, бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Қолаверса, юз билан юзлашиб, ўлим чангалидан, оловли жанггоҳдан омон-эсон қайтиш бобомнинг бахти. Ўзининг тили билан айтганда, битта дайди ўқ туфайли бу кунларга етмаслигим ҳам мумкин эди.

Бобожон дориламон кунларга етганингизга шукр. Узоқ умр кўриб, савбоғликларнинг фахри бўлиб юраверинг!

**Бобоназар ҲАСАНОВ,**
**“Ғузор ҳаёти” газетаси**
**бош муҳаррири.**

# ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ШИФОКОРЛАРНИНГ ФИДОЙИЛИГИ

*Иккинчи жаҳон уруши дунё халқлари бошига мисли кўрилмаган йўқотишлар, азоб-уқубатлар, айриликлар келтирди. Ана шундай оғир бир шароитларда тиббиёт ходимларининг ўрни беқиёс бўлди. Улар шиддатли жанговар ҳаракатлар майдонидан ярадор бўлганнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун тиббий ёрдам кўрсатдилар.*

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон тиббиёт ходимларининг фронт ва фронт ортидаги жасорати, ғалабага қўшган ҳиссаси беқиёс бўлди. Ўзбекистон тиббиёт ходимлари фронтнинг энг оғир нуқталарида ҳамда фронт ортидаги ҳарбий госпиталларда ярадор жангчиларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бор билим ва маҳоратларини ишга солдилар. Республикада 1941 йилдан бошлаб ярадорлар ва уруш ногиронларига ёрдам кўрсатувчи республика қўмитаси фаолият кўрсатди. Ярадор жангчиларга ва уруш ногиронларига ҳар томонлама юксак даражада тиббий ёрдам ва ғамхўрлик кўрсатилди.

Жанговар ҳаракатларда жасорат кўрсатган шифокорлар – академик Ё. Х. Тўрақулов, профессор А.Мансуров, М. Ашрапова ва бошқалар шулар жумласидандир. Иккинчи жаҳон урушига барча ҳамюртларимиз қатори Ё.Ҳ.Тўрақулов ҳам сафарбар этилган эди. У Волхов фронтида мото-ўқчи бригадасининг санитария хизмати бошлиғи бўлиб иштирок этди. Кейинчалик гвардиячи ҳаво-десант дивизиясида тиббиёт санитария хизматининг бошлиғи, Ғарбий шимолий фронтда тиббиёт санитария батальони командири вазифаларида юксак жасорат намуналарини кўрсатди. У даставвал Ғарбий фронтда Ельна бўсағаларида окоплардан ярадорларни олиб чиқишда ярадор бўлган бўлса, Днепр дарёсини кечиб ўтишда иккинчи марта ярадор бўлди. Даҳшатли уруш алангасини ортда қолдириб қайтган Ё.Тўрақулов фаолиятини илм-фан равнақига қаратди. Республикада илм-фан тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Шунингдек, ўзининг фронтлардаги ёрқин жасорати билан номи тилларда достон бўлган тиббиёт ходими М.Ашрапова эди. Унинг жанговар ҳаракатлар мобайнида амалга оширган тиббиёт соҳасидаги ишларидан кўплаб ярадорлар ҳаётга қайтдилар. М.Ашрапова А.А.Гречко қўмондонлигидаги 1-гвардиячи армиянинг 155-ўқчи дивизиясидаги 786-полк шифокори эди. Кейинчалик эса Курск ёнидаги госпиталда ҳарбий жарроҳ бўлиб хизмат қилди ва 200 дан ортиқ операцияларни муваффақиятли бажарди. Бу хизматлари учун у бир қатор орден ва медалларга сазовор бўлди. М.Ашрапова урушдан кейин узоқ йиллар 1-Тошкент тиббиёт олийгоҳида фаолият кўрсатди. Умуман, уруш йилларида Ўзбекистондан фронтларда минглаб шифокорлар, тиббиёт ҳамширалари иштирок этиб, минглаб инсонларни ўзларининг ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлса-да, ҳаётга қайтаришди.

Шифокор А.Мансуров ҳам фашизмга қарши жангларда қатнашиб, бир қанча жангчиларга шифо ҳадя этди. У урушдан кейин Ленинграддаги ҳарбий тиббиёт академиясини тугатди. Унинг ҳақида биринчи космонавт Ю.А.Гагарин шундай деган эди: “Фазога учишни таёрлашда ва амалга оширишда бевосита турли миллат вакиллари қатнашдилар. Инсоннинг бепоён коинотга учиш шароитини ўрганаётган ва бу парвознинг бехатарлигини таъминлаётган олим ва шифокорлар орасида ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, серқуёш Ўзбекистонда туғилиб ўсган тажрибали шифокор, уруш қатнашчиси, истеъдодли олим А.Мансуров ҳам бор эди”.

Уларнинг юксак жасорати ҳақида жанг майдонларида ўзбек тилида нашр этилган газеталарда чоп этилган мақолалар орқали янада яққолроқ билиб оламиз. Жумладан, 1944 йилнинг 29 май куни “Фронт ҳақиқати” газетасида Тошкентда тиббиёт институтини тамомлаган тажрибали шифокор Ғани Нуриддинов ҳақида мақола чоп этилган. Ғани Нуриддинов даставвал санбатда бош жарроҳ бўлиб хизмат қилади. У урушнинг бошидан охиригача жанг майдонларида ўз вазифасини ҳалол бажарди. Жанг майдонларида оғир яраланиб, келтирилган жангчиларни ўз вақтида жарроҳлик амалиёти орқали ўлимдан қутқариб қолди.

Ўзбекистонга эвакуация қилинган госпиталларда ҳам шифокорларнинг хизмати беқиёс бўлди.

1941-1942 йиллар мобайнида Ўзбекистондаги ҳарбий госпиталларда юз мингга яқин ярадор ва жангчи беморлар даволанди. Ярадор жангчиларнинг 97 фоизи фронтларга ва ишлаб чиқаришга қайтарилди. Афсуски, улардан баъзиларининг ҳаётини сақлаб қолиш имкони бўлмаган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида тиббиёт ходимлари ўта оғир айни пайтда шарафли вазифани адо этдилар. Уларнинг фидойилиги туфайли қанчадан-қанча инсонлар ҳаёти сақлаб қолинди. Биргина Тошкентдаги 340-ҳарбий шифохона 840 ўринга мўлжалланган бўлиб, йирик даволаш ҳамда илмий марказ бўлиб хизмат кўрсатди.

Шуни айтиш керакки, тиббиётнинг энг илғор усуллари ушбу шифохона томонидан амалга оширилган. 1941-1943 йиллар давомида мазкур шифохонада 35 мингдан ортиқ ярадорлар ва беморлар қабул қилинади, 500 дан ортиқ шошилинч операциялар ўтказилади. Минглаб ярадорларга қон қуйилади, минглаб ярадорлар эса жанговар сафларга қайтарилади. Юксак малакали шифокорлардан профессор П.П. Эмдин, асаб касалликлари шифокори Ф.Я. Розе ва бошқаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Ўша суронли йилларда жанггоҳлар ва фронт ортида жасорат кўрсатиб, ҳалок бўлган юртдошларимизни хотирлаш ва бугун сафларимизда бўлган азиз фахрийларимизни хусусан, тиббиёт ходимларини, шифокорларимизни қадрлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, хизматига муносиб баҳо бериш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиздир. Ҳар йили 9 май - Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан давлатимиз раҳбари томонидан 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳақидаги фармонлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Албатта, бундай ғамхўрлик ва эътибор замирида инсонпарварлик каби эзгу фазилатлар мужассамдир. Шуни унутмаслигимиз керакки, тинчликни қадрлаш уни доимо кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга айланмоғи керак. Дарҳақиқат, барча-барча эзгу мақсадларимиз ана шу тинчлик деб аталган бебаҳо бойлик туфайлигина рўёбга чиқади.

**Ҳакимали АЗИМОВ,**
*Тошкент давлат юридик университети профессори.*

# ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ – БОШ МАСАЛА

**(Боши 1-саҳифада)**

Тупроқлар ҳолатининг ёмонлашишига сабаб бўлаётган омиллар сирасига тупроқ деградацияси, эрозияси, шўрланиши, дегумификация, истеъмол ва ишлаб чиқариш чиқиндилари, паразит ва токсик моддалар ҳамда бошқа хавфли биологик моддалар билан ифлосланиши кабилар кириб, буни лўнда қилиб тупроқ патологияси деб аташ мумкин. Масалан, биргина пестицид қолдиқлари тупроқ, сув ва ерусти ҳаво қатламига ҳамда ўсимлик маҳсулотлари сифатига зарар етказса, ишлаб чиқариш зоналари ва магистраль йўл бўйида жойлашган далалар доимий равишда токсик оғир металлар билан ифлосланади. Бу эса тупроқда касаллик қўзғатувчи фитопатогенларнинг кўпайишига олиб келади, фитопатогенларнинг кўпайиши эса ўсимликларнинг минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини кескин пасайтириб юборади.

ФАО маълумотларига кўра, ҳозирда дунё бўйича деградацияга учраган ва носоғлом ерлар майдони 1,2 млрд. гектарни ёки дунё бўйича жами экин экиладиган майдоннинг 22 фоизини ташкил этмоқда. Бу эса ҳар йили қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилнинг 25 фоизини йўқотиш демакдир.

Маълумки, аҳоли сонининг ўсиб бориши билан озиқ-овқатга бўлган талаб ҳам ошиб бораверади. Бундан келиб чиқиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларидан янада кўпроқ ҳосил олишга бўлган интилиш ўз-ўзидан пайдо бўлади.

Манбаларга кўра, биргина Орол денгизининг қуриб бориши натижасида Оролнинг қуриган тубидан кўтарилаётган тузли чанг 300-400 км. радиусга ёйилмоқда. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги экинлари парваришида йўл қўйилаётган баъзи бир нуқсонлар ерларнинг ифлосланиши, саноат чиқиндилари каби табиий ва антропоген омиллар ҳам чўлланишнинг ортиб бориши ҳамда тупроқлар унумдорлигининг пасайиб боришига олиб келмоқда.

Фикримизга далил сифатида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтида қарийб 100 йилдан буён ўтказиб келинаётган “Муттасил ғўза ва ғўза-беда алмашлаб экиш далаларида тупроқнинг унумдорлик қобилияти” ноёб тажрибасидан олинган маълумотларга кўра, ҳар йили кузги шудгор остига гектарига 30 тонна гўнг қўлланилиб, муттасил ғўза парвариш қилиб келинган бўлсада, ўтган 98 йилда гумус миқдори дастлабки миқдорига нисбатан 36 тоннага (дастлабки миқдори гектарига 68 тонна бўлган) камайган, яъни ҳар йили пахтадан ўртача 29-31 ц/га. ҳосил олингани ҳолда ҳар йили гектарига ўртача 367 кг. гумус турли омиллар таъсирида тупроқдан чиқиб кетган. Ёки маъдан ўғитларнинг NPK 250:175:125 кг./га. меъёри қўлланилган бўлакда ҳар йили ўртача 36-38 ц/га. пахта ҳосили олингани ҳолда гумус 22 тоннага камайиб, (дастлабки миқдори 53 тонна бўлган), ҳар йили ўртача 225 кг.дан камайиб борган.

98 йил давомида ғўзани парвариш қилишда ўғитларнинг ҳеч қандай тури қўлланилмаган (абсолют вариант) бўлакда эса ҳар йили пахтадан ўртача 8-9 ц/га. ҳосил олингани ҳолда гумус миқдори 24 тоннага камайиб, ҳар йили ўрта ҳисобда 245 кг.дан камайиб борган.

Маълумотлардан кўринадики, ҳеч қандай ўғитлар қўлланмаган ҳолда республикамиз тупроқларининг табиий унумдорлиги 8-9 ц/га. пахта ҳосили олишга имкон беради ҳамда ҳар йили шу миқдордаги пахта ҳосилини олиш учун тупроқдан ўрта ҳисобда гектарига 245-250 кг. миқдорида гумус сарфланади. Маъдан ўғитларнинг NPK 250:175:125 кг/га меъёри қўлланилган холатда гектарига ўртача 220-225 кг., ҳар йили шудгор остига 30 тонна гўнг қўлланилган шароитда эса 365-370 кг. миқдорида гумус сарфланади.

Демак, республикамиз тупроқларида ғўзани парвариш қилишда қўлланилган ҳар қандай агротехник холатда ҳам олинган ҳосил миқдорига қараб ҳар йили тупроқдан ўрта ҳисобда гектарига 220 кг.дан 370 кг.гача гумус сарфланади.

Тупроқ ифлосланишининг яна бир тури унинг оғир, токсик металлар билан ифлосланишидир. Бундай ифлосланиш кўпинча саноат зоналари ва автомагистраль бўйларида жойлашган далаларда кузатилади. Биз юқорида келтирган мазкур дала тажрибаси ҳам иккинчи даражали автомобиль йўли бўйида жойлашган бўлиб, тупроқдаги токсик оғир металлар миқдори аниқланганда, кобальт (Co) ва хром (Cr) миқдорлари ўша ҳудуд учун белгиланган меъёрдан 2-3 баробар паст эканлиги, аммо кадмий (Cd), мис (Cu) ва никель (Ni) миқдорлари гектарига мос равишда маҳаллий ўғит қўлланилган бўлакда белгиланган меъёрдан 26,8; 353,0; 146,0 фоиз, маъдан ўғитларнинг юқори меъёри қўлланилган бўлакда 4,2; 286,0; 142 фоиз, ўғит қўлланилмаган бўлакда эса 28,6; 291,0; 134 фоизга юқори бўлган. Ушбу токсик моддаларнинг белгиланган меъёрдан юқори бўлиши тупроқдаги микробиологик жараёнларга (масалан гумификация), ўсимликларнинг тупроқдаги керакли озиқа моддаларни ўзлаштириш самарадорлигига ва энг муҳими, истеъмол қилинадиган маҳсулотлар орқали инсон организмига салбий таъсир этади.

Демак, тупроқларнинг токсик, оғир металлар билан ифлосланиши бевосита унда унумдорликнинг пасайиб боришига сабаб бўлувчи яна бир салбий омил ҳисобланади.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳар йили парвариш қилинаётган қишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан, ғўза ва ғалла экинлари томонидан ҳосил ва бошқа ўсимлик органлари орқали тупроқдан бир гектар майдондан 15-18 тонна органик масса чиқиб кетмоқда. Бу эса тупроқлар унумдорлигининг йилдан-йилга пасайиб боришига асосий сабаб бўлиб қолмоқда.

Олинган маълумотларга кўра, кейинги 40 йилда республикадаги мавжуд суғориб, деҳқончилик қилинадиган майдонларнинг ҳайдов қатламида гектарига 5 тонна гумус, 0,4 тонна азот моддаси камайган, таъминланганлик даражасига кўра фосфор ва калий билан ўрта ҳамда юқори даражада таъминланган майдонлар ҳажми қисқарган.

Тупроқ унумдорлигининг пасайишига алмашлаб экиш тизимининг тўлиқ жорий этилмаётган, маҳаллий органик ўғитларнинг етишмаслиги ва бошқа сабабларни келтириш мумкин. Бироқ, ҳамма вақт ҳам, ҳар қандай ҳолатда ҳам тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш, сақлаш ва ошириш учун имкониятлар етарли. Ана шундай имкониятлардан бири тупроққа имкони борича органик қолдиқларни киргизишдир.

Ғўза-ғалла алмашлаб экиш тизимларидан унумли фойдаланиш, оралиқ муддатларда дуккакли ва дуккакли-дон экинларини экиш тупроқ унумдорлигини оширишда асосий агротехник тадбирлардан бири эканлиги исботланган.

Маълумотларга кўра, кузги буғдой йиғиштириб олинганидан кейин унинг (кузги буғдой сомони йиғиштириб олинган вазиятда ҳам) илдиз ва анғиз қолдиқлари ҳисобидан ўртача гектарига 3-4 илдиз ва анғиз қолдиқлари қолдирилади. Кузги буғдой ўрнига дуккакли экинлар, масалан, клевер, эспарцет, кўк нўхат каби сидерат экинларни экиб, уларни гуллаган вақтида даланинг ўзида махсус техникалар ёрдамида майдалаб, ҳайдаб юбориш орқали тупроққа 250-350 ц/га (25-35 тонна/га) миқдорида ҳўл холатдаги органик масса киритилишига эришилади. Бундан ташқари, мазкур далаларда дуккакли экинлар экиш ҳам тупроқ таркибида биологик азот миқдорининг ошишига ҳамда органик қолдиқлар тўпланишига сабаб бўлади.

Мана шундай қисқа муддатда (90-100 кун) тупроққа ўртача гектарига 30 тонна миқдорида органик қолдиқ ҳамда ушбу органик қолдиқлар орқали ўрта ҳисобда 140-160 кг. азот, 80-100 кг. фосфор, 200-220 кг. миқдорида калий киритишга муваффақ бўлинади. Шунингдек, тупроқнинг ҳайдов қатламида қўшимча 5-6 тонна гумус захираси яратилади.

Шундай усуллардан яна бири, кузда пахта ҳосили йиғиб-териб олинганидан сўнг, ғўза қатор ораларига оралиқ дуккакли экинларни (вика, рапс, жавдар, сули, берсим, шабдор, клевер, эспарцет ва бошқ) сидерат, яъни кўк ўғит сифатида экишдир. Бунда ҳам юқорида келтирилганидек, кузда экилган оралиқ экинлар, эрта баҳорда, бўйининг баландлиги 25-30 см.га етгач, далани ўзида махсус техникалар орқали майдаланиб, олимларнинг тавсияларига асосан тупроққа ҳайдаб юборилади. Мазкур тадбирни амалга ошириш орқали ҳам тупроққа 30-35 тонна миқдорида ҳўл ҳолатда бўлган органик масса киритишга эришилади. Мамлакатимизда ҳаво ҳароратининг иссиқ бўлиши тупроқдаги гумификация жараёнини тезлаштиради ва эрта баҳорда тупроққа ҳайдаб юборилган органик масса узоғи билан 4-5 ой мобайнида чириб, тупроқдаги гумус, макро ва микроэлементлар миқдорини оширади, тупроқнинг микробиологик ва агроэкологик холатларини яхшилайди.

Маълумки, тупроқ унумдорлигини барқарор ҳолда сақлаш ва оширишда маҳаллий ўғитлардан фойдаланишнинг самараси жуда юқори. Бу борада кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган ва мазкур тадбирнинг аҳамияти ва самараси илмий исботланган. Бироқ, ҳозирги вақтда маҳаллий ўғитларни ишлаб чиқаришда қўллаш имкониятининг бироз чегараланганлиги эътиборга олинса, бунда турли хил табиий органик чиқиндилардан компост тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ва уни кенг жорий этиш тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва оширишнинг яна бир яхши имкониятларидан ҳисобланади.

Кейинги йилларда республикамизда кузги буғдойдан бўшаган майдонларда такрорий экинлар экиш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Бу қувонарли холат бўлиб, ушбу экинларнинг ғўза-ғалла алмашлаб экиш тизимида мунтазам экиб борилиши йиллар ўтиши билан тупроқ унумдорлигига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Энди биз, олимларнинг галдаги вазифамиз тупроқ унумдорлигини янада оширадиган, эртапишар, сув танқислигига бардошли экин турларини топиш, уларни иқлимимизга мослаштиришдир.

**Баҳодир ХАЛИКОВ,**
*Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти лаборатория мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.*

*Мамлакатимиз аҳолиси 2030 йилга бориб 41 миллиондан ошиши мумкин*

# ЖОРИЙ ЙИЛ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 27 ЯРИМ МИНГ ГЕКТАР ЕРНИНГ СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ

**Жорий йилнинг биринчи чорагида Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди.**



Белгиланган тадбирлар доирасида жорий йил давомида 1050 млн. метр куб миқдорида сув ресурсларини иқтисод қилиш режалаштирилган бўлиб, бунинг учун салкам 120 км. узунликдаги магистрал ва хўжаликлараро каналларни реконструкция қилиш, 513 км. узунликдаги магистрал ва хўжаликлараро каналларни тозалаш, 260 дона гидротехник иншоот ва 156 та гидропостни таъмирлаш кўзда тутилган. Шунингдек, 2099 км. узунликдаги ички суғориш тармоқларини, 1561 дона гидротехник иншоотни, 1010 дона гидропостни ва 1600 дан зиёд фермер хўжаликларининг сув олиш қулоқларини жиҳозлаш ишларини амалга ошириш асосий мақсад қилинган. Ушбу ишлар амалга оширилиши натижасида, 20 минг гектардан ортиқ қишлоқ хўжалиги майдонларида сув таъминоти яхшиланиши кутилмоқда. Бугунги кунгача 90,9 км. узунликдаги магистрал ва хўжаликлараро каналларни реконструкция қилиш, 139,3 км. узунликдаги магистрал ва хўжаликлараро каналларни тозалаш, 59 дона гидротехник иншоот ва 31 дона гидропостни таъмирлаш, шунингдек, 1079,9 км. узунликдаги ички суғориш тармоқларини, 374 дона гидротехник иншоотни, 241 дона гидропостни ва 345 фермер хўжаликларининг сув олиш қулоқларини жиҳозлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 76,7 км. узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари белгиланиб, уларда ҳам қурилиш ва реконструкция ишлари қизғин бормоқда. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида 47 минг 150 гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий этиш вазифаси ўртага ташланди. Шундан 4150 гектар томчилатиб, 1900 гектар ёмғирлатиб, 700 гектар дискрет услубида суғориш, 30 ярим минг гектар лазер ёрдамида ерларни текислаш, 8400 гектар ерда эгилувчан қувурлар ёрдамида ва 1500 гектар эгатга плёнка тўшаб суғориш ишларини амалга ошириш режалаштирилди. Бугунги кунда suvkredit.uz дастури орқали 275 та талабгорнинг 4496 гектар майдони учун 51 млрд. 847 млн. сўмлик кредит молиялаштирилди ва 13 та талабгорнинг 319 гектар майдони учун 5 млрд. 500 млн. сўм ўз маблағидан молиялаштирилди. Шундан томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш истагини билдирган 157 та талабгорнинг 2401 гектар майдони, ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш истагини билдирган 117 та талабгорнинг 2085 гектар майдони ва дискрет суғоришни жорий қилиш истагини билдирган 1 та талабгорнинг 10,5 гектар майдони молиялаштирилиб, молиялаштирилган майдонларда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. 184 та фермер хўжалигининг 3089 гектар майдонида қурилиш ишлари бошланиб, 40 та фермер хўжалигининг 698 гектар майдонида қурилиш ишлари якунланди. Шунингдек, 19 минг 341 гектар пахта экиладиган майдонларда ерларни лазерли текислагичлар ёрдамида текислаш ишлари олиб борилди.









"Яшил энергия" технологияларини кенг жорий қилиш доирасида насос станцияларининг электр энергия истеъмолини камайтириш бўйича вазирлик тасарруфидаги насос станциялари ва энергетика бошқармаларида эскирган 10 дона насос агрегати ва 9 дона электродвигателларни янгисига алмаштириш назарда тутилиб, бугунги кунда жисмонан эскирган 2 дона насос агрегати ва 7 дона электродвигател янгисига алмаштирилди. Шунингдек, вазирлик ва вазирлик тасарруфидаги сув хўжалиги тизим ташкилотлари томонидан 5 дона қуёш панели ва 4 дона қуёш сув иситиш мосламаларини ўрнатиш ишлари режалаштирилиб, бугунги кунга қадар 1 та қуёш панели ўрнатилди.

Жорий йилда 8 та насос станциясининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорлар бошқарувига берилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 6 нафар ташаббускор аниқланди ва тадбиркорлар томонидан лойиҳаларнинг дастлабки ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Жорий йилда 14 та объектда жами 145,2 км. узунликдаги 11 млрд. 741 млн сўмлик коллектор тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларининг олиб борилиши режалаштирилган. Мазкур ишларнинг амалга оширилиши эвазига 19,1 минг гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилади. Худди шунингдек, ирригация объектларида ҳам белгиланган дастур асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Амалдаги йилда жами 13 та объектда жами 78 млрд. 448,4 млн. сўмлик 130,3 км. узунликдаги каналларни қуриш, бетонлаш ва реконструкция ишларини бажариш режалаштирилган. Бунинг натижасида 27,5 минг гектар ер майдонининг сув таъминоти яхшиланишига эришилади.





**Айбек УРАЗИМБЕТОВ,**
*Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари.*

*Чорвачиликда қорамолчилик етакчи тармоқ бўлиб, ишлаб чиқарилаётган гўшт ва сутнинг асосий қисми унинг улушига тўғри келади. Айниқса, сут йўналишидаги қорамолчиликда урчитиш учун режалаштирилган қорамолларнинг маҳсулдорлик, пуштдорлик ва бошқа хусусиятларини янада такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.*

# ЧОРВА РИВОЖИ НАСЛГА БОҒЛИҚ





Қорамолларни озиқлантириш ва парваришлаш билан биргаликда урчитилаётган сигирларни жаҳоннинг илғор селекцион усулларидан фойдаланиб, насл ва маҳсулдорлигини яхшилаш республикамиз чорвачилиги олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Сунъий уруғлантириш чорвачиликни жадал ривожлантиришда, айниқса, чорва молларини кўпайтириш, соғлом ва маҳсулдор авлод етиштиришда юқори генетик салоҳиятга эга буқалар уруғидан самарали фойдаланиш асосий ўрин тутади.

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти олимлари Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги КОРІА маркази билан ҳамкорликда қорамолларнинг насл ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Жумладан, Жанубий Кореядан ТОП-10 таликка кирувчи голштин зотли наслли буқаларнинг музлатилган уруғлари олиб келиниб, Сирдарё, Тошкент, Андижон ва Фарғона вилоятларининг илғор фермер хўжаликларида Голштин зотли сигир ва таналар сунъий уруғлантирилиб, наслли авлодлар олинмоқда. Шу қаторда Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги "Дилгиё Файз Барака" фермер хўжалигида ҳам ушбу буқа уруғларидан наслли бузоқлар олинмоқда. Фермер хўжалигида бошқа селекцияга мансуб буқа уруғларидан олинган буқачалар туғилгандаги тирик вазни ўртача 35 кг.ни ташкил қилса, Корея селекциясига мансуб буқа уруғларидан туғилган бузоқларда бу кўрсаткич ўртача 42 кг.ни ташкил қилмоқда. Шунингдек, бошқа селекцияга мансуб буқа уруғларидан олинган урғочи бузоқларда бу кўрсаткич 32 кг.ни, Корея селекциясига мансуб буқа уруғларидан туғилганларида эса 38 кг.ни ташкил қилмоқда.

Олиб борилаётган бундай селекция ишлари қорамолларнинг генетик имкониятларини ва бу орқали қорамоллардан олинадиган сут маҳсулдорлигини ҳам оширишга хизмат қилмоқда. Жанубий Кореядан келтирилган буқа уруғлари билан биргаликда айнан ушбу уруғлар олинган буқанинг каталоги ҳам мавжуд бўлиб, ушбу каталогда буқанинг авлодлари маҳсулдорлиги ва селекция жараёнида ушбу буқа уруғларидан фойдаланиш авлодларининг маҳсулдорлигини қанчагача ошириши мумкинлиги каби маълумотлар келтирилган. Ушбу маълумотларга таянадиган бўлсак, ушбу селекцияга мансуб буқа уруғларидан фойдаланиш келгусида хўжаликдаги қорамоллар сут маҳсулдорлигини 15-20 фоизгача оширади.

Бундан ташқари, "Дилгиё Файз Барака" фермер хўжалагида 20 та сигир ва урғочи таналарга Жанубий Кореядан келтирилган Голштин зотли, сут маҳсулдорлиги 11000 кг.дан юқори сигирлардан олинган эмбрионлар трансплантацияси амалга оширилди. Ҳозирги кунда ушбу сигир ва таналарнинг 10 тасининг буғозлиги аниқланган бўлиб, бу кўрсаткич эмбрион трансплантацияси амалиёти учун жуда яхши натижа ҳисобланади.

Институт олимларининг тадқиқот натижаларига таяниб шуни айтиш мумкинки, Корея селекциясига мансуб буқа уруғларидан туғилган бузоқларнинг туғилгандан кейинги даврларда ҳам ўсиш ва ривожланиши ижобий натижаларни қайд этмоқда. КОРІА маркази билан ҳамкорликдаги ишларимиз давом эттирилиб, илғор селекция ютуқлари фермер хўжаликларига кенг жорий этилади ва қорамолларнинг маҳсулдор подалари яратилади.

**А.НУРМАТОВ,**
**Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти директори.**

# ЁНҒИНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР

*Маълумки, ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, корбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, мусаффо ҳаво таркибини бузади.*




Энг ачинарлиси, ёнғинлар кўплаб инсонларнинг жароҳатланишига, ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, Яккасарой тумани ҳокимлигида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, корхона, ташкилот, муассасалар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида газ ва электр тармоғидан оқилона фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан йиғилишлар ўтказиб келинмоқда. Электр, газ ускуналаридан нотўғри фойдаланиш бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши тўғрисида аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, хорижда ишлаб чиқарилган айрим газ иситиш печларининг меъёр талабларига жавоб бермаслиги, улардан фойдаланиш натижасида ис гази чиқиб, одамларни заҳарлаши мумкинлиги тушунтирилмоқда.

Шуни унутмайликки, ёнғинларнинг олдини олиш, аҳоли, давлат мулкини кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Аббос ПЎЛАТОВ,**
*Uzbekistan Airports АЖ объектларида ёнғин хавфсизлиги бўлими мутахассиси, катта сержант.*

# ҒАЛЛА МАЙДОНЛАРИГА СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Таъкидланганидек, медиа-тадбир ташкил қилинган Нукус туманининг ўзида жорий мавсумда 100 гектар ғалла майдонларига ёмғирлатиб суғориш технологияси жорий этилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида жорий йилда 47 минг 150 гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, шунингдек, 30 минг 500 гектар майдонда ерларни лазерли текислагичлар ёрдамида текислаш режалаштирилган.

Бугунги кунда suvkredit.uz дастурига ҳужжатларни киритиш бўйича аризалар тайёрланиб, шундан 4780 гектар учун 328 та фермер хўжалигининг аризалари платформага қабул қилинди.

Ирригация муҳандислари томонидан 189 та фермернинг 3462 гектар майдони ўрганилиб, ижобий хулоса берилди. Аризаларни кўриб чиқиш, қарздорликларини сўндириш ва платформага киритиш бўйича чоралар кўрилмоқда. Ҳозиргача suvkredit.uz дастури орқали 118 та талабгорнинг 1991 гектар майдони учун 22 млрд. 782 млн. сўмлик кредит молиялаштирилди ва 2 та талабгорнинг 25 гектар майдони учун 445 млн сўм ўз маблағидан молиялаштирилди. Айни вақтгача 56 та фермер хўжалигининг 933 гектар майдонида қурилиш ишлари бошланиб, 24 та фермер хўжалигининг 309 гектар майдонида қурилиш ишлари якунланди.



Қорақалпоғистон шароитида сувдан самарали фойдаланишда энг самарали усуллардан бири бу – дала майдонларини лазерли ускуна ёрдамида текислаш ҳисобланади. Бу борада ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, ҳозирги кунга қадар 18 минг 507 гектар пахта экиладиган майдонларда лазерли текислагичлар ёрдамида текислаш ишлари олиб борилди.

**Ғайрат ОТАЖОНОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги матбуот котиби.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ СОНИ КУНИГА ЎРТАЧА 2,1 МИНГ КИШИГА КЎПАЙМОҚДА

*Маълумотларга қараганда, аҳолини ҳисобга олиш ишлари эрамиздан олдинги уч мингинчи йилларда, Осиё ва Африкада, Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой, Японияда ўтказилган. Қадимги Греция ва Римда ҳам шундай тадбирлар ўтказилгани ҳақида битиклар бор.*

Бунда асосий мақсад солиқ йиғиш, бож олиш ҳамда ҳарбий сафарбарлик учун одамлар сонини аниқлашга қаратилган. Шунинг учун рўйхатга олишда эркаклар кўпроқ эътибор марказида бўлган. Аҳолини расмий рўйхатга олишнинг ҳозирги шаклида даставвал 1790 йилда АҚШда, орадан ўттиз йил ўтиб, Италия, Испания, Англия, Ирландия, Австрия, Франция, 1851 йилга келиб эса Хитойда амалга оширилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин тизим янада такомиллаштирилиб, 1945-1954 йилларда 151 та, 1965-1974 йилларда 179 та мамлакатда йўлга қўйилган бўлса, ҳозир дунёнинг деярли барча давлатида аҳоли рўйхатдан ўтказиб келинади. Бу масалалар билан бевосита БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси шуғулланади.

БМТ томонидан аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш бўйича ҳар ўн йилликда раунд эълон қилинади ва унда аъзо давлатларга ўз ҳудудларида ҳар ўн йилда камида бир марта мазкур тадбирни ўтказиш тавсия этилади. Хусусан, 2015 йилнинг 10 июнь санасидаги резолюцияда ҳам аъзо давлатларга шундай тадбирни йўлга қўйиш таклиф қилинган. Халқаро амалиётга доир бу тадбир юртимизда илк бор 1897 йилда ўтказилган. Шундан сўнг 1926, 1939, 1959, 1970, 1980, 1989 йилларда ўтказилиб, энг охиргисида республикамизда 19,7 миллион аҳоли яшаётгани қайд этилган. Охирги юз йилдан ортиқ вақт мобайнида ўлкамизда доимий аҳоли сонининг ўсиши билан боғлиқ маълумотлар кўпчиликка қизиқ. 1920 йилда юртимиз нуфуси 4,4 миллион бўлса, демакки, ундан кейинги бир аср мобайнида аҳоли сони қарийб 8 баробар ўсган. Шу боис, Ўзбекистон жаҳонда аҳоли сони жадал ўсиб бораётган мамлакатлар сирасига киради. 2022 йил бошига келганда аҳоли сони 35,3 миллион кишига етди. Бу 2021 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 712 минг кишига кўпайганини кўрсатади. Ўтган йил бошида эса бу кўрсаткич 36 миллион 24 минг 946 кишини ташкил этган. Йил охирига келиб, доимий аҳолимиз сони ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 2,2 фоиз ошган ва ҳар куни ўртача 2,1 минг кишига кўпайган. Прогнозларга кўра, 2030 йилга бориб, мамлакатимиз аҳолиси 41 миллиондан ошади. Бунда 18 ёшгача бўлганлар ва меҳнатга лаёқат ёшидан катталар сони мос равишда 2 миллион 384 минг ва 1 миллион 447 минг кишига ўсиши кутилмоқда.



**Эркин ТУРСУНБОЕВ,**
*Бектемир тумани статистика бўлими бошлиғи.*

↘ *Эълон*

**"TOSHSHAHARTRANSXIZMAT O`QUV MARKAZIARI UYUSHMASI"**
(СТИР: 207300620) ўз фаолиятини тугатилишини маълум қилади. Дебитор ва кредиторлик қарзлар бўйича мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб икки ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Юнусобод тумани 13- мавзе 64/2- хонадон манзили бўйича ёки +998 90 319 89 89 телефон рақами орқали мурожаат қилишлари мумкин.

*Мўмин-мусулмонлар бир-бирларини тўғри йўлга чақириб, ёмонликлардан қайтарадилар*




**Аллоҳ таоло бу дунёни синов майдони қилиб яратди. Унда инсоннинг қандай умр кечириши, неъматларни қайси йўлга ишлатишига қараб охиратдаги манзил-макони аниқ бўлади. Инсоният доимий имтиҳонда эканини қуйидаги ояти карима мазмунидан билиб оламиз:**

"(У) сизларнинг қайси бирингиз чиройлироқ (савоблироқ) амал қилувчи эканингизни синаш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир. У Азиз (қудратли) ва Ғафур (кечиримли)дир" (Мулк сураси, 2-оят).

Бу имтиҳон дунёсида яхши ҳам бор, ёмон ҳам бор, ҳалол ҳам бор, ҳаром ҳам бор. Ҳамма нарса ҳалол, ҳамма бир хил мўмин-мусулмон бўлганида синовдан маъно қолмаган, ёмон бўлмаса, яхшини қадрига етмаган бўлардик.

Мўмин-мусулмонлар ўзаро ёру биродар бўлиб, дунёдаги синовлардан яхши ўтиб олишлари учун, бир-бирларини тўғри йўлга чақириб, ёмонликдан қайтариб турадилар. Агар ҳамма "Ўзим чиққан тепа омон бўлсин", деб ҳаракат қилса, яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтариш бўлмаса, жамиятда фисқу-фасод кўпаяди ва тобора зарари катталашиб боради. Буни қуйидаги ҳадиси шарифдан билиб оламиз: "Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, ё яхшиликка буюрасиз ва ёмонликдан қайтарасиз ёки бўлмаса, Аллоҳ таоло устингизга бир балони юборади, ундан кейин қанча дуо қилсангиз ҳам дуоингиз қабул бўлмайди" (Имом Термизий ривояти). Аллоҳ таоло кечиради-кечиради, кеч уради деган ибратли гап бор. Ҳозирги кунда баъзи инсонлар ўзи устида бўлиб турган неъматларнинг қадрига етмай, шукрини адо этмай қўйди. Нима учун ҳадиси шарифларда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳивасаллам инсон ўзидан йўқоридаги инсонга қарайверса, ўзидаги неъматнинг қадрига етмай, эсдан чиқаради, ўзидан пастдаги инсонларга қараса, ўзидаги Аллоҳ таоло берган беҳисоб неъматларнинг қадрига етган бўлар эди деганлар. Устозларнинг ибратлик бир гапи бор. "Ватан манга нима қилиб берди деб эмас, мен ватанимга нима қилиб бера олдим", деган туйғуда яшаш керак, деганлар. Нима учун бу иборани келтираяпмиз? Ҳозирги кунда юртимиздаги ўзгаришлар ва ривожланишларни кўра олмаётган ва шу неъматларга ношукурчилик қилаётган баъзи инсонларни кўриб, ҳолига ачинасан. Ота-онаси истиқомат қиладиган, қариндош-уруғлари, опа-сингиллари яшайдиган муқаддас заминга тош отишлик, туҳматлар ёғдириш энг оғир гуноҳлардан ҳисобланади. Пайғамбаримиз соллаллоҳуа алайҳи васаллам мўмин инсон ватанига хиёнат қилмайди, ватанга қилинган хиёнат кечирилмас гуноҳлардан эканлиги ҳақида огоҳлантирганлар.

Шу ҳадисдан келиб чиқиб, барчамиз жамиятдаги ёмон иллатларни йўқотишга имкон қадар ҳиссамизни қўшишимиз керак. Буни маълум бир идораларнинг иши деб ўйламайлик. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қаердаки, аҳиллик ва бирдамлик бўлса, ўша жойда файз-барака ва ривожланиш бўлади, деганлар. Шунинг учун барча мўмин мусулмонлар аҳил, иноқ бўлсак, юрт равнақи ва ривожига ҳисса қўшган бўламиз.

Ёшларга, айниқса, уларнинг ўсмирлик даврида чиройли тарбия, гўзал ўрнак кўрсатишимиз керак. Ким билан юрибди, ким билан дўст тутинди, суриштириб, огоҳ бўлиб туришимиз лозим. Уларнинг кўпчилиги ёмон дўстлар сабабли, ичкилик ва гиёҳвандликка ўрганиб қоладилар.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, аксарият жиноятларнинг илдизи бекорчиликка бориб тақалади. Халқимиз орасида бекорчидан Худо безор деган гап бор. Бекорчи инсонни Аллоҳ таоло ҳам яхши кўрмайди. Фарзандларимизни билим-маърифатли, меҳнатсевар, ғайратли, ўз касбини пухта биладиган қилиб тарбиялаш келажакда уларнинг халқимизга, динимизга фойдали инсон бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун фарзандларимизнинг бекорчи бўлиб қолишларига йўл қўймаслигимиз, балки уларни билим олиш, китобхонлик, турли тўгараклар, спорт билан шуғулланиш, маданий ҳордиқ билан банд қилишимиз керак. Бу масала ҳозирги кунда Ҳукуматимиз диққат-эътиборида турган иш бўлиб, ёшларга барча шароитлар яратиб берилмоқда. Эртага сизу бизнинг ўрнимизни эгаллаб, ўзбек халқини, мўмин мусулмонлар хизматини қиладиган ёшларимиз ҳар тамонлама илмли, билимли ва комил инсон бўлишлари керак. Бунинг учун биздан талаб қилинадигани ўсиб келаётган ёшларимизга ўзимиз ҳар жиҳатдан ўрнак ва намуна бўлишимиз керак.

**Муҳаммадшокир БОБОХЎЖАЕВ,**
*Норин туманидаги "Умархўжа эшон" жомеъ масжиди имом хатиби.*

# БОТУЛИЗМ – ОҒИР ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН

**Ботулизм овқатдан захарланишлар ичидаги оғир кечадиган касалликдир.**

Бу касаллик асосан ноябрь ойидан май ойигача қайд этиладиган касаллик ҳисобланиб, ботулизм таёқчалари билан зарарланган овқат истеъмол қилинганда вужудга келади ва марказий асаб тизимининг шикастланиши билан кечади.

Ботулизм таёқчалари табиатда кенг тарқалган бўлиб, тупроқ, сув, ҳайвон, балиқлар ичагида учрайди ва қобиқ ичида йиллар давомида сақланади. Кислородсиз ва қулай шароитда кўпаяди ҳамда инсон учун хавфли бўлган заҳар ишлаб чиқаради.

Касаллик уй шароитида, термик ишлов бериш қоидаларига амал қилинмай тайёрланган консерва (сабзавот, мева, қўзиқорин, гўшт, балиқ), дудланган товуқ гўшти, колбаса маҳсулотларини истеъмол қилганда келиб чиқади.

Консервалаш жараёнида белгиланган қоидаларга риоя қилинмаслик натижасида, микроб консерва банкасида ёпиқ муҳитда тез ривожланади. Сифати бузилган консерва маҳсулотлари ичида газ йиғилиши натижасида қопқоғи кўтарилиб қолади. Касаллик зарарланган консерва маҳсулоти истеъмол қилинганидан 12-24 соат ўтгач ёки 1-5 кундан кейин бошланади. Заҳар (токсин) ичакда тез сўрилиб, қонга ўтади ва бутун организмга тарқалиб, асаб тизимини шу билан бирга мушакларни шикастлайди. Касалликнинг олдини олиш учун уй шароитида консерва тайёрлаш жараёнида ҳар бир инсон санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилиш, консерва маҳсулотларини тайёрлашда сифатига аҳамият бериш керак. Сабзавот, мевалар тупроқ билан ифлосланиши мумкин, шу боис уларни оқар сувда, сўнг қайнатилган сувда яхшилаб ювиш ҳамда юқори ҳарорат остида, 20 дақиқадан кам бўлмаган вақт давомида қайнатиш керак. Нордон бўлмаган (бодринг, яшил нўхот) маҳсулотларидан консерва тайёрлашда уларга уксус кислотаси қўшишни унутманг!

**Ж.УМАРОВ,**
**Чилонзор тумани ФВБ П ва НБ инспектори, катта лейтенант.**

*Эълон*

Майор Эргашев Ҳусниддин Иброҳимовичнинг 2020 йил 9 декабрда Тошкент вилояти ИИББ томонидан берилган № 15887 рақамли пенсия гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

*Реклам*




**"Maxam-Chirchiq" акциядорлик жамияти ВАКОЛАТЛИ ОМБОРЛАРИДА 2022 ЙИЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН АММИАКЛИ СЕЛИТРА МИНЕРАЛ ЎҒИТИНИНГ ТАННАРХИ ПАСАЙТИРИЛГАНИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

2024 йил 12 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ҳузурида бўлиб ўтган қишлоқ хўжалигида ишга солинмаган янги захираларни сафарбар этиш ҳамда 2024 йилги устувор вазифалар тўғрисидаги кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан ҳамда Республика қишлоқ хўжалигини минерал ўғитларга бўлган талабини тўлиқ қондириш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига минерал ўғитларни харид қилишда қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида вилоятлардаги омборларда сақланаётган 2022 йилда ишлаб чиқарилган аммиакли селитра минерал ўғитининг биржа савдоларида бошланғич нархи **2 452 280 сўм** (1 тоннаси) учун деб белгиланганини эълон қилади.

Ушбу минерал ўғит сифатига "Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси умумий ва ноорганик кимё институти" томонидан ўтказилган илмий-тадқиқот ишларида физик-кимёвий самарадорлиги йўқотилмаслиги тўғрисида ҳамда кафолатли сақлаш муддати тугаганидан кейин ҳам унинг юқори агрокимёвий самарадорлиги таъминланиши бўйича илмий асосланган хулоса берилган.

"Maxam-Chirchiq" АЖнинг жойлардаги омборларидан минерал ўғитларнинг биржа савдоларида бошланғич нархининг пасайиш даражаси (ҚҚС билан, ваколатли омборлар харажатларисиз):

Аммиакли селитра:

2 452 280 сўмдан – 2 207 052 сўмгача – 10 %.

**Маълумот олиш учун манзил: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Тошкент кўчаси 2-уй.**
**Телефон: + 99870 719-33-23**
**E-mail: birga@maxam-chirchiq.uz**

*Кутлов*




Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.**

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**
**Таҳрир ҳайъати:**
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-517. 1410 нусхада чоп этилди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
**Таҳририят манзили:** Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** 95-080-43-70, 99-050-69-45.
**Реклама ва эълонлар –** (998 90) 317-19-16. **e-mail:**infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.10